Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ. 1412 ЙИЛ, ЗУЛ-ҚАЪДА, 18-КУН. ● ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, САВР, 30-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 ЙИЛ 20 МАЙ, ЧОРШАНБА, 96-СОН • 347 • НАРХИ: СОТУВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИН.

Ўзбекистон ва жаҳон

КОРЕЙСЛАРДАН ЎРГАНСАК ЁМОН БЎЛМАСДИ



СУРАТДА: кўргазма залида.

18—19 май кунлари Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Жанубий Корея республикасининг «Самсунг» корпорацияси корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилди. Кўргазмадан ўрин олган турли пойафзаллар, дори-дармонлар, электр буюмлари, совутгичлар, кир ювиш машиналари, чанг ютгичлар, компьютерлар, телевидео аппаратуралар, кийим-кечаклар, томошабинлар ва ишбилармонлар эътиборини тортди.

Кеча Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов кўргазмани бориб кўрдилар. Корпорациянинг ХХРдаги корхоналарида ишлаб чиқарилган пойафзаллар экспозицияси олдидан ўтаркан корпорациянинг ижрочи директори Пак Сун Жонгга Тошкентда шундай маҳсулотлар сотишга мўлжалланган дўкон очиш ниятингиз йўқми, деб сўради.

— Худо хоҳласа Ўзбекистон халқи учун энг зарур моллар ишлаб чиқарадиган завод қурмоқчимиз.

— Қачон?

— Жанубий Кореяга қиладиган ташрифингиз бу ишни тезлаштирган бўлурди...

Фирма вакили электроника ва электр товарларини характерлар экан, бу маҳсулотлар жаҳон андозаси талаблари даражасидалиги, жаҳонда биринчи ўринда ривожланган мамлакат корхоналарида ҳам «Самсунг» совутгичлари, кир ювиш машиналари сингари электрни тежайдигани тайёрланмаётганини алоҳида таъкидлади. У Жанубий Корея табиий бойликлари чеклангани боис электр қувватини яратиш муккуллигидан муҳандислар шундай йўл тутаётгандарини айтди. Корпорация ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг 70 фоизини асосан хорижий мамлакатларга сотади. Қолгани мамлакат аҳолиси эҳтиёжини қондириш учун ички бозорга чиқариларкан.

Президент электроника маҳсулотларини кўздан кечирар экан, Япония маҳсулотлари билан рақобат қай даражадалигини сўради.

— Бизда, — деди Пак Сун Жонг, — «Голстар», «Самсунг» фирмалари электроника маҳсулотлари тайёрлайди. Сифати, кўркамлиги қўшниларимизникидан кам эмас. Радиотехнология соҳасида эса японлар билан бемалол рақобат қилаяпмиз. Баъзи бир деталларни тайёрлашда устунликка ҳам эгамиз.

Корпорация тўқимачилик технологияси борасида ҳам биздан анча илгарилаб кетганлиги намойиш этилаётган газламалардан сезилиб турибди. Бундай сержило матолар пахта толасидан тўқилганлиги кўпчиликни ҳайратга солди. Республика раҳбарлари хомашё таъминоти билан қизиқдилар. Маълум бўлишича корпорация 60 фоиз пахтани Хитой ва АҚШдан, қолганини Покистондан, ўн фоизга яқинини Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларидан оларкан.

Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилган ҳукумат раҳбарлари кўргазмани кўздан кечириб бўлишгач шу ерда давра суҳбати уюштирилди. Ўзбекистон Президенти корпорация маҳсулотларининг довруғи республикага анча илгаридан маълумлигини айтди.

Ўзбекистонда 250 мингдан зиёд корейс халқи иқтиқомат қилаётганини эшитган меҳмонлар ўзбек халқидан бенихоя мамнунликларини айтишди. Президент тезроқ Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналар очишни таклиф қилди. Ўзбекистон ҳукумати бу борада беш йил муддатга солиқ олмаслик каби имтиёзлар бериши хусусида тўхталди.

— Ўзбекистонда пахта, пилла, қоракўл бисёр, — деди И. Каримов сўзида давом этиб, — Кореяда ривожланган технология бор. Халқимизни ана шу технология, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш қизиқтираяпти. Шундай экан, келинг, тезроқ амалий ишга ўтайлик. Ҳеч бўлмаса сиз Тошкентда савдо уйи очинг.

— Раҳмат, жаноб Президент, — деди ижрочи директор Пак Сун Жонг Ислом Каримовга миннатдорчилик билдираркан. — Сизнинг кўргазмамизга келишингиз биз учун қувончли воқеа. Эътирозларингизни корпорация, мамлакат раҳбарларига албатта етказаман. Лекин бир нарсани айтиб қўяй, Ўзбекистонда корейс халқи яшаса-да ўзбеклар Жанубий Корея халқи, турмуши, урф-одатлари, байрамлари хусусида маълумотга эга эмас экан. Биз икки халқ ўртасидаги ана шу қусурларни йўқотишга ҳам ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Исматилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

БАНДИХОН РАЙОНИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти ҳокимининг таклифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг хулосасига розилик билдириб, Сурхондарё вилоятида маъмурий маркази Бандихон аҳоли пунктида бўлган Бандихон райони тузилсин.

Бандихон райони таркибига Бойсун районининг Ғаллакор, Қумқўрғон районининг Қизириқ қишлоқлари ва шунингдек Ленин йўли районидаги Олмазор қишлоғи ҳудудининг «Тошкент» давлат хўжалиги фойдаланиб келаётган ерлардан иборат қисми берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Бойсун, Қумқўрғон ва Ленин йўли район советларининг Бандихон районига берилган ҳудудларда жойлашган сайлов округларидан сайланган депутатлари халқ депутатлари Бандихон район советининг депутатлари ҳисобланадилар.

3. Халқ депутатлари Бандихон район совети янги тузилган Бандихон райони давлат ҳокимиятининг мухтор вакиллик идораси деб ҳисоблансин.

4. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 май.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

ОХИРИ РЕСПУБЛИКАГА АЙЛАНДИ

● **Тоғли-Олтой мухтор вилояти мухтор республика бўлувди. Яқинда эса Олтой Республикасига айлантирилди.**

ИККИ ЧАҚАЛИК УЙДИРМА

● «Менинг АҚШдан уй-пуй сотиб олиш ниятим йўқ. Бу ҳақдаги гапларнинг бари икки чақалик уйдирма!», — деди жаҳл билан Михаил Горбачёв.

СТАЛИН ҲАЛИ ОРАМИЗДА ЭКАН.

● **Смоленскдаги Улуғ Ватан уруши музейида Иосиф Сталинга бюст ўрнатилди.**

«АЗиЯ» РЎЗНОМАСИ

● УЛЖАС Сулаймоновнинг жуда катта шов-шувларга сабаб бўлган «АЗиЯ» китоби Қозоғистонда чиқа бошлаган янги рўзномага берилди.

ПОЕЗДДА СИНГАПУРДАН ПАРИЖГАЧА

● **Хитой БМТ ҳомийлигида қитъаларо темир йўл қуришга киришди. У битгач, поездда Сингапурдан Парижгача боравераси з (Жанубий Шарқий Осиё, Хитой ва Туркия орқали). Янги йўлнинг узунлиги 14 километр бўлади.**

200 ЛИТР ШАМПАН ВА 400 МИЛЛИОН ЛИРА

● «Милан» клуби футболчилари Италия чемпиони бўлишди. Клуб соҳиби Берлускони уюштирган зиёфатда 200 литр шампан кетди, ўйинчиларнинг ҳар бирига 400 миллион лирадан тарқатилди.

РИМЛИК ТЕМИР ХОТИН

● **Римлик муҳандис Жоржо де Кирако яратган темир хотин Шароф Бошбековнинг «Темир хотин»идан шуниси билан фарқ қиладики, у кечки кафеда рақсга тушади, кийимларини ечиб, хўрандалар кайфиятини чоғлайди.**

ПРЕЗИДЕНТГА 30-ЎРИН НАСИБ ЭТДИ

● **Францияда йилнинг энг машҳур одами деб яна океаншунос олим Жак-ив Кусто танланди (4-маротаба!). Президент Миттеран эса 30-ўринни олди. У шунгаям хурсанд, чунки ўтган йили унга 32-ўрин тегувди-да!**

ЧИНГИЗХОН—МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН

● **Мўғулистон Президенти П. Очирбат Чингизхон туғилган кунининг 830 йиллиги муносабати билан ўтказилган йиғинда уни миллий қаҳрамон деб эълон қилди. Улан-Батор шаҳридаги энг катта кўчага унинг номи берилди.**

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ҚОМИТЕТИ РАИСИ МИРАҲМАД МИРҚОСИМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Давр тақозосига кўра турмушимизда, ҳокимият шаклу шамойилларида турли ўзгаришлар бўлаётир. Ушбу ҳол табиийки, назорат органлари тизимини ҳам четлаб ўтмади. Халқ назорати комитетлари тугатилиб, Давлат назорати органлари ташкил этилди. Бу, албатта, фақат тўнни алмаштириш дегани эмас. **Давлат назорати комитети янги вазифалар, талаблар ва тизимдир. У — фармойиш беруvчи ва муқим қурилмага эга бўлган мутлақо янги ижрочи ҳокимиятнинг назорат қилувчи юқори органи бўлиб, Олий Кенгаш қабул қилган қонун ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари ҳамиша хўжалик соҳасидаги қонунларни, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилиши, давлат ва ижрочилик интизомига риоя этилишини текшириш учун таъсис этилган.**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан республика Асосий Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди, комитет Низоми тасдиқланди. Давлат назорати комитети Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида иш олиб боради ва Республика Олий Кенгашига ҳисобот бериб туради.

— **Янги тизимнинг халқ назорати органларидан қандай фарқи бор, унинг зиммасига юклатилган вазифалар нималардан иборат?**

— Ушбу комитетнинг фаолияти анча кенг ва серқирра. Юқорида қайд қилинганлардан ташқари зиммамизга ижроия ва бошқарув идоралари, молия, солиқ, божхона хизматлари ва давлат комитети органларининг давлат бюджети ижроси қондаларига амал қилишлари, нарх белгилашга, барча тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилиши ягона тизимнинг белгиланган қондаларига риоя этилишини, уларнинг ишончлилигини, статистика идораларининг ушбу масалага оид фаолиятларини назорат қилиш каби вазифалар ҳам юклатилган.

Сўз оқими давлат бюджети, молия, солиқ хизматларига келиб тақалгач, ушбу масалаларга батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз.

Яқинда Вазирлар маҳкамасида 1992 йил 1 кварталида фавқулоддаги бюджет маблағлари ижроси муҳокама этилиб, республикадаги молиявий аҳволни яхшилаш тадбирлари белгиланди. Унда давлат бюджетига даромад тушиш масаласи ночор аҳволда эканлиги қайд қилинди. Бунинг асосий сабаблари маҳаллий ҳокимият органлари корхона ва ташкилотларнинг тўлов интизомларига риоя этмаётганликларини ва бюджетга маблағ тушишига тўсқинлик қилаётган бошқа ҳолларни етарли назорат қилиб, зарур чоралар кўрмаётганлигидир.

Жумладан, Нукус шаҳридаги 172 корхонанинг 27 таси қўшимча қиймат учун белгиланган солиқни тўламаган. Денов шаҳар солиқ бошқармасининг айби билан шу йил январь—февраль ойларида маҳаллий вино заводи 1 январдан бекор қилинган эски тартиб бўйича солиқ тўлаган. Яъни корхонадан акция, қўшимча қиймат солиқлари олинмаган. Оқибатда бюджетга битта шу заводдан 1,5 миллион сўм кам маблағ тушган.

Баъзи ҳокимиятлар айрим ширкат ва ташкилотларни ҳеч қандай асоссиз солиқ тўлашдан озод қилиш ҳоллари ҳам содир бўлаётир. Тошкент шаҳрининг Чилонзор районида текшириб кўрилган 20 ширкат ва кичик корхоналарнинг 18 таси бюджетга 125 минг сўм кам бадал тўлаганлиги аниқланди.

Шуни таъкидлаб ўтишни истардим: **давлат назорати органларига солиқлар бўйича белгиланган қонун-қондаларни бузган ҳар қандай лавозимдаги раҳбарларни қатъий жавобгарликка тортиш ва республика бюджетини тўлдириш учун қўшимча имкониятлар ахтариб топиш ҳуқуқига эга.** Зеро, бугунги қийин ижтимоий-иқтисодий шароитлардан чиқиб кетиш кўп жиҳатдан бошқарув ижроия органлари ва раҳбарларнинг ўз вазифаларига нечоғлиқ масъулият билан ёндошувларига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

Бу ватан—ҳаммамизники

СУРАТДА: қабул пайти. (ЎзА фотохроникаси.)

Рўзи Назар Ватанга келди. Марғилондаги уйидан қирқинчи йилда чиқиб кетиб, мусофирликда юриб, эллик икки йил деганда яна Ўзбекистонга қайтди.

Бундан бир йилча олдин ҳам Рўзи Назарнинг бу юртга қадам қўйишига монелик бор эди. Бугун Ватан ўзимизники бўлди. Рўзи Назар Ватанга қайтиши учун, аввало, Ватан ўзимизга қайтиши керак эди.

Рўзи Назар Ватанга ёлғиз қайтмади. Ўғли Эркинни ҳам олиб келди. Бизга Эркин исми одатий бўлиб қолган. Хорижда яшаётган ўзбеклар учун бу исмнинг маъноси жуда теран. Рўзи Назар ўғлига берган номга орзусини жо этган.

Рўзи Назарнинг аёли, олмон миллатидан. Ундан бир ўғил ва бир қизи бор. Иккиси ҳам оталарининг тилини ҳурмат қилади. Ўзларининг ўзбек эканликларини тўла англайди ва бундан фахр этади. Бунинг исботи — яқинда Олмонияда чоп этилган «Ўзбек туркий тили алифбоси». Китоб муаллифи — Эркин Назар, Рўзи Назарнинг ўғли. Ота юртига муҳаббат ва ҳурматнинг бундан зўрроқ тимсоли бўлмаса керак.

Рўзи Назарнинг таҳсинга сазовор фазилати — унинг собитлиги. Бу одам муҳаббатида ҳам, нафратида ҳам собит. Замона зайлига қараб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оғишмоқ унга ёт. Рўзи Назар Шўролар тузумини ёмон кўрарди. Ватанни Шўролар тузумидан холи ва буткул озод кўришни орзу этарди.

— Бугун орзуим ушалди, — дейди у. — Эллик икки йил айриликдан кейин Ватанга келдим. Дўстларни, қариндош-уруғларни кўрдим. Эрта-индин Марғилон бораман, қолган хеш-ақробонинг диидорига етаман.

Рўзи Назарни энг ҳушнуд этган нарса — мафкурабозликнинг йўқолгани. Эски шалдироқ мафкурабозлик, уйдирмаю чўпчаклар йўқолиб, асл муқаддас ақида — Ватан ақидаси пайдо бўлди. Ватан фарзандлари бир-бирларини топа бошладилар. Хорижда неча ўн минглаб сарсари юрган ватандошларимизнинг оталар юртига қайтиб, унинг тупроғини нақадар эҳтиром билан тавоф этганликларини кўриб, бу азиз Ватанга меҳримиз ортади, унинг ниҳоят озод эканига шукроналар айтамиз.

Бу Ватан — ҳаммамизники, унинг увол-савобига барчамиз бирдай шерикмиз.

Бугун Ватан миллатнинг жипслигига зор. Бу нарсани очиқ тан олиш керак, хорижда яшаётган ватандошларимиз биздан-да яхшироқ англайдилар. Биз ўзимиз, Ватанда истиқомат қилаётган ватандошлар ҳам, худога шукур, секин-аста англаб бормоқдамиз.

Рўзи Назар ҳозир Вашингтон яқинидаги Арлингтон деган шаҳарчада истиқомат қилади. Энди унинг ёши анча ўтиб қолди. Аммо қонидаги ғайрат ва шижоати сусайгани йўқ. Кичкина бир маслаҳат бюроси очиб, баҳоли қудрат ишлаяпти. Нияти — хорижда Ўзбекистон ҳақида маъқул тасаввур уйғотиш, ўзбекларнинг тарихи ва маданиятини кенгроқ ташвиқ этиш, Ватандан у тарафларга борган кишиларга баҳоли қудрат марҳамат кўрсатиб, ишларига кўмак бериш.

Рўзи Назар куни кеча Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қароргоҳини зиёрат этди. Президент билан суҳбатлашди. Ватанимиз келажаги учун қўлдан келганича хизмат қилиш истагини билдирди. Президент бу истакдан мамнун эканини айтди.

Н. ХУЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

ИРОДА—ОФАТДАН УСТУН

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ЗИЛЗИЛА ВА СЕЛДАН ЗАРАР КЎРГАН РАЙОНЛАРИДА БЎЛДИ

Кулфат бемаврид, беташриф келади, дейдилар. Андижонда ҳам шундай бўлди. Табиатнинг нотинчлигини қарангки, унинг қалтис ҳазили дард устига чипқон бўлди. 15 май куни эрталаб Избоскан районидаги А. Тиллабоев, Ш. Юсупов, Тельман, Охунбобоев номли, «Шарқ юлдузи», «Комсомол» жамоа хўжаликларида, «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигида экқан кучли ёмғир жала-селга айланиб кетди. Кўм-кўк яшнаб турган экин майдонлари сатҳини сув қоплади. Орадан 6—7 соат ўтгач, худди шу хўжаликлар ҳудуди йўналишида қаттиқ ер силкинди. Сейсмологларнинг қайд этишларича, унинг қуввати 6—7 баллни ташкил этди. Тарихий манбаларга қараганда, Андижонда бундай зилзила 1902 йилдан сўнг бўлмаган.

Табиат бу йилги баҳорнинг сўнгги ойида яна бир бора ўз қудратини намойиш этди. Лекин зилзила, сел, табиий офатларга метиндек иродасини қарши қўйдиган халқ бу safar ҳам саросимага тушмади. Тўғри, зилзила ҳуружи туфайли аҳолининг бостирмалари, гувала деворларга зарар етди. Авария ҳолатидаги ишлаб чиқариш корхоналари, мактаб бинолари яроқсиз аҳволга келиб қолди. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра биргина Избоскан районидаги 18 мингдан ортиқ бино турли даражада талофат кўрди. «Атлас» ишлаб

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РАДИОЭЛЕКТРОН, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ВА АСБОБСОЗЛИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНЦЕРНИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тармоқдаги кўп йиллик ҳалол меҳнати, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН.

Ивановский Константин Васильевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи бюросининг бошлиғи

Казачук Борис Васильевич — Чирчиқ трансформатор заводининг трансформатор йиғувчиси

Луқмонов Рифат Илёсович — Чирчиқ трансформатор заводи цех бошлиғининг ўринбосари

Содиқов Вилис Юсупович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи механик йиғув ишлари слесари

(Давоми 2-бетда).

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

(Боши 1-бетда).

Бир сўз билан айтганда, **давлат назорати органлари ҳокимият обрўйини кўтариш ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, энг муҳими бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини, жамиятни ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар, бюрократизм ва сансоларликдан муҳофаза қилишга даъват этилган.**

— Шу вазифаларни адо этиш учун сизларга тегишли ваколат ва ҳуқуқлар ҳам берилган бўлса керак!

— Худудий бўлинмаларга эга бўлган (Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда — бошқарма шаҳар ва районларда — инспекция) Давлат назорати комитетига катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. У амалдаги қонунчилик бўйича вазирликлар ва идоралар, бошқарув-ижро ҳокимият органлари, шунингдек ишида давлат манфаатлари мавжуд (инвестиция маблағи, давлат буюртмаси ва бошқалар) корхона ва ташкилотлар (гарчанд улар махсус идораларга бўйсунувчи ёки хусусий мулкчиликка дахлдор бўлса-да) фаолиятини текшириши мумкин.

Комитетга бошқа назорат органлари ва жамоат ташкилотлари вакилларини ишга жалб этиш; шунингдек малакали мутахассисларни идора ҳисобидан пул тўлаш шарти билан ҳамкорликка чорлаш ҳуқуқи ҳам берилган. Бу, албатта, текширув сифатини оширади, баъзи нуқсонларни ўз вақтида йўқотишга ёрдам беради.

Давлат назорати комитети вазирликлар, идоралар, бошқарув-ижро ҳокимияти раҳбарларининг қонунчилик талабларини бузганлиғи ҳақидаги текширув натижаларини Президентга билдириш ва уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифларни баён этиш ваколатига эга.

— Назорат органларида айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун етарли имконятлар ҳам бўлиши керак.

— Комитет «галадони»да бундай тадбирлар етарлидир. Биринчидан, **биз давлатга моддий зарар келтирилганлиги учун товон тўлаш ҳақида кўрсатма беришимиз, иккинчидан, тегишли қонунларга мувофиқ айбдор шахсни вазифасидан озод қилишимиз, учинчидан, текшириш жараёнида аниқланган ўғрилик, суиистеъмоллик ҳақидаги ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жўнатишимиз мумкин.**

Бундан ташқари, қонунчилигимиз қасддан бузилган, давлат ва фуқаро манфаатларига зарар келтирилган шароитларда **корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб рақамини ёпишимиз, тегишли идоралар олдига уларнинг фаолиятини тугатиш ёки белгиланган тартибда зарарни ундириб олиш масаласини қўйишимиз мумкин.** Шунингдек, **бизда мансабдор шахсларнинг давлат ёки жамоатчилик манфаатларига, ёхуд фуқаролар ҳуқуқларига зарар келтирадиган ноқонуний фармойиш ва ҳаракатларини ҳам тўхтатиб қўйиш ваколати ҳам бор.**

Яқинда ходимларимиз савдо корхоналари ва ташкилотларида кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ва молларини сотиш қоидаларига риоя этиш, янги баҳолардан фойдаланиш бўйича оммавий текшириш ўтказдилар. Хўш, бундан нималар маълум бўлди? Яна ўша қўпол муаммолар, харидорлар ҳақидан уриш, молларни яшириш, кўзбўямачилик...

Сирдарё вилояти Ховос районида бир булка нон тарозига қўйилганида ҳар бирининг вазни ўртача юз граммдан камлиги аниқланди. Айтинг-чи, бундан новвойхона ходимлари чўнтагига қанча пул тушди экан? Натижада район матлубот жамияти раҳбарияти новвойхона директорини ишдан озод қилдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор матлубот жамиятига қарашли 16-дўконда тегишли ҳужжатларда кўрсатилмаган 550 килограмм гуруч борлиги маълум бўлди. 3-дўконда эса 60 килограмм олий навли Грузия чойи ва бир тонна ун қайта баҳолашдан яшириб қолдирилган. Бу текширувлар натижаси ўлароқ, матлубот жамиятининг 5 нафар ходими ишдан бўшатилди.

— Аммо нуқсонларни, қонунбузарликларни топиш, айбдорларни жазолашга эришиш, бу ҳали ишнинг ярми, холос...

— Ҳақ рост. Янги назорат органи йўналишининг муҳим қирраларидан бири нафақат айбдорларни аниқлаш ва жазолаш, балки нуқсонларнинг сабабларини ўрганиш, уларни йўқотиш йўлларини қидириш ва ишлаб чиқишдан ҳам иборатдир. Республика Президентининг деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Фармонининг бажарилиши қандай бораётганлиги бўйича хўжалик ва бошқа назорат органлари билан ҳамкорликдаги текширувимиз ана шу нуқтаи назарда ўтказилди.

Бу Фармоннинг ва ушбу масала бўйича ҳукумат қарорининг қабул қилинганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа муддатда катта ишлар қилинди. Биз бунга Президент топшириғи бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказилган текширув жараёнида тўла ишонч ҳосил қилдик. Шу билан бир қаторда мавжуд камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Аксарият раҳбарлар хўжалик юритишнинг прогрессив шаклларидан бири —фермерлик ҳаракатини ҳали тўла идрок қилмайдилар, сансалорликка ва тўрачиликка йўл қўядилар ва ҳатто тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатадилар.

Қишлоқларда фермерлик ва тадбиркорлик ривожлантириш ҳақидаги қарорнинг ҳаётга татбиқ қилинишида районлардаги бошқарув-ижро органларининг роли катта. Афсуски, қарорлар ижроси жуда суст бажарилмоқда. Узун районидаги «Гулистон», Шўрчи районидаги «1-Ленинизм» колхозларида фермерлик хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилганини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзбекистондаги бошқа регионлардан ҳам шундай мисоллар келтириш мумкин. Булар нимадан далолат беради? Энг аввало, ижро интизоми йўқ, янгича ишлаш хоҳиши, масалаларни ташаббускорона ва зудлик билан ҳал этиш ҳаракати етишмайди.

Маълумки, текширув натижалари фермер хўжаликларини ривожлантириш масалаларига бағишланган республика йиғинида муҳокама қилинди, камчилик ва нуқсонларни тузатиш бўйича тадбирлар белгиланди. Натижада, ижобий ўзгаришлар содир бўлаётир. Республика Молия вазирлиги Ўзбекистон Тадбиркорлар ассоциациясига ёрдам тариқасида 2 миллион сўм берди. «Узагропромбанк»ка фермерларга чорва моллари сотиб олишлари учун 50 минг сўмдан қарз ажратиш топширилди.

Республикада фермерларга хизмат кўрсатувчи 101 прокат пунктлари ташкил этилди. Уларда 400 трактор, 120 юк автомобили ва 40 та ғалла ва пичан ўруvчи комбайн мавжуд. Кўрилган ушбу тадбирлар туфайли фақат бир ой ичида 1,9 минг фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 18,5 минг гектар ер майдони ажратиб берилди.

Ана шу ишларни амалга оширишга давлат назорати органлари ходимлари муносиб ҳисса қўшдилар деб ўйлайман. Аммо биз Президентнинг фермерлик ва тадбиркорлик ҳақидаги Фармони бажарилишини назоратдан қолдирмаймиз, ушбу масала бўйича текширув давом этади.

— Муштарийларни Давлат назорати комитети органларининг яқин даврдаги режалари ҳам қизиқтириши табиий. Албатта, бу сир бўлмаса агар.

— Ишимизда ҳам, режаларимизда ҳам сир йўқ, бўлмайди ҳам. Ҳатто биз фаолиятимизни фаоллаштириш учун кенг жамоатчиликни дадил жалб этамиз.

Ҳозир Комитет қошида жамоатчи маслаҳатчилар ва экспертлар институти ташкил этилмоқда. Булар асосан халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи юксак малакали мутахассислар, таниқли олимлар, иқтисодчилар, молиячилар, ҳуқуқшунослар, давлат ва назорат органлари фахрийларидир. Биз назорат ишида уларга таянамиз ва ишонамиз.

Шунингдек, матбуот органлари билан ҳамкорлик қилиш фаолиятимизда муҳим ўрин тутади. Текшириш натижалари ва нуқсонларни бартараф этиш тадбирларининг амалга оширилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликни хабардор қилиб турамиз. Қолаверса, рўзномалардаги танқидий чиқишлар, таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, жойлардаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда ҳамкорлик қиламиз.

— Маълумки, ҳар қандай давлат, айниқса назорат органлари фаолият доирасига шикоят ва аризаларни текшириш ҳам киради. Давлат назорати органларининг бу масалаларига муносабати қандай!

— Бевосита ва тўғридан-тўғри. Бизнинг қарашимизча, Давлат назорати комитети умуман фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этиш бўйича юқори орган ҳисобланиши керак. Чунки комитетнинг республика аппаратига жумҳурият органлари, бошқармаларига эса вилоят ташкилотлари фаолиятига доир ариза ва шикоятлар билан шуғулланади. Албатта, бу ишда энг оғир юк бизнинг қуйи бўғинимизга — шаҳар ва район инспекцияларимизга тушади. Бизга тушаётган ариза ва шикоятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятини жойларда, республика даражасига етказмасдан, қуйи бўғинларда ҳал этиш мумкин экан.

Мана бир мисол. Чироқчи районидаги «Восход» совхозининг Оқолтин қишлоғидан бир гуруҳ ижарачилар 20 гектарлик боғни суғоришга ёрдам беришларини сўраб ариза ёзишган. Тағин давлат назорати бошқармаси аралашгандан сўнг масала зудлик билан ҳал бўлди. Район суғориш тармоқлари бошқармаси каналдан боғ томон ариқ очишни, совхоз эса барча харажатларни тўлашни ўз зиммасига олди.

Албатта, савол туғилиши, шубҳасиз. Хўш, нега бу масалалар жойларда ўз вақтида ҳал бўлмади, бунга нима ҳалақит берди?

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашда биз ўз олдимизга нафақат уларни аниқлаш, балки ишни охиригача етказишни, яъни келишмовчиликлар жойида ҳал этилишини вазифа қилиб қўйганмиз.

Қисқаси, бизга келаётган ариза ва шикоятлар оқибатсиз қолмайди. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳар бир ариза пухта ўрганилади ва натижаси ё матбуот орқали ёки хат орқали муаллифга маълум қилинади.

— Сиз республикадаги барча назорат органларини тубдан янгилаш, назоратнинг ягона тизимини яратиш зарурлигини эслатиб ўтдингиз. Уни қандай тасаввур қиласиз!

— Тўғрисини айтганда, халқ назорати органларининг тугатилиши ва давлат назоратининг ташкил этилишининг ўзи республикада назорат ишларининг янгиланишидан далолат. Энди навбат бугунги кунда яхши самара бермаётган идоралараро ва идоравий назоратга!

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Айни вақтда агросаноат комплексида ер қонунчилиги ветеринария, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари сифатини текширувчи, машина ва механизмларнинг техник ҳолатини кузатувчи 1400 нафарга яқин кишини бирлаштирган назорат инспекцияси мавжуд. Уларни ушлаб туришга 12 миллион сўмдан ортиқ пул сарфланади. Қолаверса бу инспекция бугунги кунда қишлоқда бўлаётган ўзгаришлар талабларига жавоб бермайдиган низом ва кўрсатмалар билан ишлатир. Хўш, бундай органлар ортиқча эмасми? Айниқса, ҳозирги шароитда...

Хуллас, Давлат назорати комитети дастлабки қадамларини босаяпти. Биз давлат ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш халқ хўжалигининг барча жабҳаларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, адолатни қарор топтириш йўлидаги ғоят масъулиятли вазифани бажаришда кенг жамоатчиликка таянамиз.

(Боши 1-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РАДИОЭЛЕКТРОН, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ ВА АСБОБСОЗЛИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ҚОНЦЕРНИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сидякина Тамара Семёновна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводининг цех бошлиғи

Татеосов Валерий Георгиевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Умаров Омонжон Маҳмудович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи суворқчилари бригадири

Йўлдошев Жаббор Ғаппорович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводининг маҳсулот тайёрловчиси

қуйидагилар ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ билан мукофотлансин

Абзатов Юшет — Чирчиқ трансформатор заводи 1-конструкторлик бўлимининг бош конструктори

Бозорова Муҳаббат Жўраевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи мастери

Валиев Йўлдош — Тошкент электр машинасозлик заводи темирчилик пресслаш ускуналари созловчиси

Волошчук Белла Викторовна — Чирчиқ трансформатор заводи ташқи бутлаш ва кооперация бўлимининг бошлиғи

Гафанович Валентина Васильевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи таъминот бўлимининг бошлиғи

Горбунова Екатерина Алексеевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи синовчиси

Давидова Валентина Васильевна — Тошкент электр машинасозлиги заводи трансформаторлар йиғувчиси

Ерматов Ускенбой Йўлдошевич — Чирчиқ трансформатор заводи механика цехининг қуювчиси.

Иноғомов Обид Охунжонович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Интегратор» заводининг шофери

Исламова Вера Николаевна — Чирчиқ трансформатор заводи тайёрлаш-пайвандлаш цехининг бўёқчиси

Ишченко Александр Петрович — Чирчиқ трансформатор заводининг бош муҳандиси

Казичихина Мария Ивановна — Чирчиқ трансформатор заводининг сим ўровчиси

Комилов Шокирбой — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи силлиқловчиси

Кечинов Николай Петрович — Тошкент электр машинасозлиги 2-цехи трансформатор йиғувчилари бригадири

Ким Галина Хансуевна — Чирчиқ трансформатор заводи ёғочсозлик цехининг бошлиғи

Коньков Алексей Васильевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи электромонтёри

Лапатина Нина Кузьминична — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси режалаштириш-иқтисод бўлимининг бошлиғи

Мақсудов Шеик-Мамбет — Чирчиқ трансформатор заводи электр машиналар ва аппаратлар йиғувчиси

Мирзалиев Абдикарим — Чирчиқ трансформатор заводи экспедитор-юк ташувчиси

Мирзаҳмедов Мирқосим Нураҳмедович — Тошкент электр машинасозлик заводи слесари

Монамс Станислав Евгеньевич — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Нажимов Ҳикмат Ғуломович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Герметик» технология ва машинасозлик марказий конструкторлик бюроси синов машина-ускуналари йиғувчи-созловчиси

Назарқулов Турин — Чирчиқ трансформатор заводи металл тозаловчиси

Никонов Леонид Михайлович — Чирчиқ трансформатор заводи газ билан қирқувчиси

Пипкина Валентина Яковлевна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси комитетининг раиси

Пўлатов Мирсабой Ҳошимович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи электромонтёри

Содиқов Суръат — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи цех бошлиғининг ўринбосари

Саидаҳмедов Ойхўжа Алихўжаевич — Чирчиқ трансформатор заводи кран машинисти

Скубенко Максим Иванович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи картонажчиси

Улешов Усмон Болтабоевич — Чирчиқ трансформатор заводи токари

Финкельштейн Ицхок Шмарьянович — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи участка бошлиғи

Шемякина Анна Степановна — «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электрон техника заводи йиғувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 май.

• Олий Кенгаш комитетларида

ШАҲАРСОЗЛИК ҲАҚИДА ҚОНУН...

Афсуски, биз узоқ вақт ўзимизга ўзимиз ана шу саволни бериш билан чекланиб келдик. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, «юксак суръат» билан ривожлантириш ҳақида бонг урдигу унинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан керагича шуғулланмадик.

Ана шуларни инобатга олиб, Олий Кенгашнинг Қурилиш, архитектура, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитети «Архитектура ва шаҳарсозлик ҳақида» қонун лойиҳасини тайёрлашга киришди. Комитет раисининг ўринбосари Тўлқиной Қодирова ҳамда республика Архитектура давлат комитети раисининг ўринбосари Ботир Усмонов ҳамраислигида ишлаётган бу гуруҳ таркибида лойиҳалаш ва илмий-текшириш институтларининг мутахассислари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг вакиллари, шаҳар ва вилоят бош меъморлари фаолият кўрсатмоқдалар. Аҳоли истиқомат жойларини ривожлантириш, маҳаллий ҳокимиятларнинг бу борадаги ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятларини жойига қўйиш, ердан фойдаланишни тартибга солишга кўмаклашадиган ушбу қонун лойиҳаси кўп ўтмай меҳнаткашлар эътиборига ҳавола этилади.

ЭЛ СОҒЛИҒИ—ЮРТ БОЙЛИГИ

Жамият равнақи инсон саломатлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитети «Халқ соғлиғини муҳофаза этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳасини тайёрлашга киришган эди.

Комитетнинг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида ушбу қонун лойиҳасининг илк нусхаси муҳокама қилинди. Унда ушбу ҳужжат юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилиб, лойиҳанинг айрим бандларига ўзгартишлар киритилди.

БЕКОБОДДА СЕЛ

Бир неча кун давомида сурункали ёққан ёмғир натижасида кўтарилган сел оқими ўтган шанба куни кечқурун кутилмаганда Бекобод районидаги Ойбек номли давлат хўжалиги ҳудудига бостириб кирди. Кучли оқим хўжаликнинг тўртинчи бўлимидаги 32 нафар хонадоннинг ҳовли-жойини оқизиб кетди, шошилинч кўрилган эҳтиёт чоралари туфайли одамлар ҳаёти сақлаб қолинди. Минг гектардан зиёд пахта майдони ва тўрт юз гектарлик маккажўхори экилган майдон сел остида қолиб кетди. Тўртта кўприк оқим шиддатидан вайрон бўлди.

Табиий офат рўй берганидан сўнг кўп ўтмасдан Тошкент вилояти раҳбарияти воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар сабабли одамлар хавфсиз жойларга олиб чиқилди, зарур ашёлар, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминландилар.

Райондаги жамоа ва давлат хўжаликлари, саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар офатдан жабр кўрганларга шошилинч равишда ёрдам қўлини чўздилар. Ёрдам жамғармасига бир неча юз минг сўмлик маблағ, қурилиш материаллари, уй-рўзғор ашё ва жиҳозлари етиб келди. Бекободликлар селдан азиян чеккан оилалар, хўжаликларга ёрдам кўрсатиш учун 23 май куни умумхалқ ҳашари ўтказишга бел боғлашди. Вилоятдаги қатор хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари бу ташаббусни қўллаб-қувватлашмоқда.

Табиий офатдан азият чекканларга моддий ёрдам беришга ахд қилганлар учун Давлат банкининг Тошкент вилоят бошқарувида 000709302 рақамли ҳисоб счёти очилди, код 172723104.

Т. ИСКАНДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИРОДА—ОФАТДАН УСТУН

(Боши 1-бетда).

чиқариш, Пойтуғ пойабзал фабрикалари, юқумли касалликлар шифохонаси бинолари мутлақо фойдаланмайдиган, инсон ҳаётига хавф соладиган аҳволга келиб қолди.

Вилоятнинг Пахтаобод, Андижон, Избоскан районларида, умуман, вилоятда ер ости силкиниши деярли ҳар куни қайд этиляпти. Одамлар тунни палаткалар, ёғоч сўриларда ўтказаяпти. Мактабларнинг бошланғич синфларида машғулотлар 23 майгача тўхтатилди. Ишлаб чиқариш корхоналарида дастлабки икки кун давомида иш бўлмади. Лекин ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинди. Ер қимирлашидан сўнг тиббий ёрдам сўраб соғлиқни сақлаш муассасаларига 26 киши мурожаат қилди. Улардан 8 нафари даволаш учун шифохоналарга ётқизилди. 18 нафарига эса амбулатория тиббий ёрдами кўрсатилди. Жойларда электр-энергияси, газ, ичимлик суви таъминоти изга тушди. Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар, вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев бошчилигидаги вакиллар воқеа содир бўлган жойларда бўлиб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар ўтказишаяпти. Зилзила, сел оқибатларини ўрганиш чора-тадбирлари белгиланаяпти.

Вилоятда табиий офатдан зарар кўрганлар орасида Кўрғонтепа районини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. 14 май куни ёққан селдан райондаги «Бирлашган», «Қорасув» жамоа хўжаликлари, «Савай» давлат хўжалигининг жами 5 минг гектар майдони зарар кўрди. Офат нафақат экин майдонларига, аҳоли хонадонларига ҳам жиддий зарар етказди. Ундан 873 хонадон зарар кўрди. Жабрдийдаларга юздан ортиқ вагон-уйлар келтириб берилди.

Вилоят ҳокимининг махсус фармойишига кўра кучли жала, ёғингарчиликдан жабрланган ҳар бир фуқарога вилоят ҳокимининг жамғармаси ҳисобидан 500 сўмдан, жами 435,5 минг сўм ёрдам пули ажратилди.

Жабрдийдаларга турли ташкилотлар, корхоналар ёрдам қўлини чўзишаяпти. Суғурта идораси ходимлари кўрилган зарарни ҳисоб-китоб қилаяптилар.

Кеча Президентимиз Ислом Каримов зилзила ва табиий офатдан зарар кўрган Избоскан, Кўрғонтепа, Пахтаобод районларида бўлди. Табиий офатдан азият чекканлар билан суҳбатлашди. Улар ҳеч қачон кулфатда ёлғиз қолмасликлари, саховатпеша халқимиз андижонликларга ёрдам қўлини чўзишларини таъкидлаб ўтди. Шу куни вилоят ҳокимиятида фаолларнинг йиғилиши бўлиб, унда И. Каримов нутқ сўзлади.

Республика Президентига Андижон вилоятидаги сафари чоғида Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев, республика вазирликлари раҳбарлари ҳамроҳлик қилдилар.

Н. СОБИРОВ,
Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

• Янги қонун—амалда

МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг кейинги сессиясида «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонун шу йил 1 июндан жумҳуриятимиз ҳудудида амал қила бошлайди. Шу муносабат билан мухбиримиз Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Элмурод ИМОМОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Бундан атиги уч йил муқаддам собиқ СССР Олий Кенгашининг Қонуни билан йўл ҳаракати қоидаларига оид қонун қабул қилинган ва бу ҳужжат илгаригиларига нисбатан энг мукаммал деб баҳоланган эди.

— Тўғри, СССР Олий Кенгаши 1989 йил 6 февралда «Йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги учун жавобгарлик тўғрисида» Қонуни қабул қилганди. Бу ҳужжатда кўзда тутилган қоидалар, ҳайдовчиларнинг масъулияти ҳозирги шароитларда мутлақо талабга жавоб бермай қолди. Хусусан, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда таъсир кучини бирмунча йўқотди. Буни йўлтранспорт ҳодисаларининг кўпайиб кетганлигида яққол кўриш мумкин.

Масалан, 1991 йилнинг дастлабки тўрт ойида 69 минг 759 марта йўл қоидалари бузилиши қайд этилган бўлса, бу йил ана шу муддат ичида 170 минг 845 та худди шундай нохуш ҳодисалар, қоидабузарликлар аниқланди. Ўтган йили тўрт ойда 1197 кишининг спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, транспорт воситаларини бошқарганликлари қайд этилган бўлса, шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида ҳам бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 300 тага кўпайганлиги рўйхатга олинди. Демак, илгари қабул қилинган шу соҳадаги ҳужжатларнинг талаблар даражасида эмаслигини ана шу рақамлардан ҳам билиб олиш мумкин. Ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини қайта-қайта бузаяптилар, маъмурий жавобгарликдан тўғри ва тегишлича хулоса чиқариб олаётганлари йўқ.

Илгариги қонунга кўра ҳайдовчи таъқиқланган жойларда кунига 10 марта тезликни ошириб ўтган тақдирда ҳам бир хил жарима солиш билан жазоланарди. Қоидабузарларга қонундан четга чиқиб, қаттиқроқ жазолар қўллашнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг ўзи бу ҳақдаги талабга ўзгартишлар киритиш лозимлигини белгилаб берди.

— Янги қонунда қандай янгиликлар бор?

— Аввало, бу муҳим ҳужжатда Давлат амтомобиль назорати ходимларининг ҳар бир йўл транспорт ҳодисасига юксак масъулият билан ёндашишлари талаб этилади. Айни пайтда йўл ҳаракати қоидаларини бузишларга қарши кураш кескинлашади.

Автомобиль ойналарини қорайтириб олганларни кўп учратамиз. Янги қонунга кўра нотабиий ойналардан фойдаланиш таъқиқланади, ҳатто бундай ойналар ишлаб чиқарган корхоналарнинг масъул шахсларига, ширкатларга нисбатан жазо чоралари кўрилади. Сабабсиз товуш сигнали бериш, уни ишлаб чиқарган завод кўзда тутмаган қурилмаларни ўрнатиш, ҳайдовчиларнинг темир йўл изларини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтишларини маън қилувчи моддалар киритилган.

Илгари транспорт ҳайдовчиларининг айби билан жабрланувчиларга тан жароҳати ёхуд катта моддий зарар етказилишида маъмурий чоралар кўриларди. Эндиликда эса қоидабузарликнинг каттакичиклигига қараб, ҳатто жиноий иш қўзғаш ҳам кўзда тутилади.

Автомобилларни бошқариш ҳуқуқи бўлмаган кишиларнинг машина ҳайдаши ҳам таъқиқланади. Спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳайдовчига ўз машинасини ишониб топширган кишиларга ҳам жазо чоралари қўлланилади. Транспорт воситаларини сақлаш тартибларини бузганлар учун ҳам жарималар белгиланган. Аввалги қонунларда йўл ҳаракати ва транспортни бошқаришда қоида бузилишига йўл қўйганлар асосан жарима тўлаш билан қутулиб кетардилар. Эндиликда жарималар миқдори оширилди ва такрорланган тақдирда транспортни бошқаришдан маҳрум этиш, айрим ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортишгача чоралар кўрилиши кўзда тутилган.

— Қоидабузарликнинг такрорланишини қандай қайд этиш мумкин?

— Бунинг учун бундан уч йил муқаддам бекор этилган ҳайдовчи гувоҳномасининг талони қайтадан жорий этилади. Талон — ҳайдовчининг кўзгуси, унинг неча марта, қандай усулда қоидага хилоф иш тутганлиги ана шунда қайд этиб борилади. Йўл ҳаракати ва транспорт воситаларини бошқариш қоидалари такрор-такрор бузилган тақдирда ҳайдовчи ҳам жарима тўлайди, ҳам қайта имтиҳондан ўтказилади. Шундан сўнг ҳам қоида бузишни такрорлаган тақдирда автомобилларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, жиноий иш қўзғатилади. Айни кунларда шаҳар ва районларнинг Давлат автомобиль назорати бўлинмаларида ҳайдовчиларга бундай талонлар берилмоқда.

— Янги қонуннинг ҳаракатга кириши учун автомобиль назорати бўлинмалари ходимлари қандай тадбирларни амалга ошираяптилар?

— Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармасининг ташаббуси билан Жиззах шаҳрида ходимларнинг ҳудудий кўргазмали ўқув-кенгаши бўлиб ўтди. Вилоятимиз шаҳар ва районлари автомобиль назорати ходимлари, маъмурий чоралар кўриш бўйича йўриқчилари бу йиғилишда фаол иштирок этдилар. Ўз навбатида бундай кўргазмали дарсларни ўзимизда ҳам ўтказдик, ходимларнинг жумҳурият қонуни билан мукаммал танишувлари таъминланди ва уларнинг бу соҳадаги тушунчалари синаб кўрилди. Вилоят давлат автомобиль назорати бўлими ходимлари учун махсус қўлланмалар чоп эттирдик. Рўзномалар, маҳаллий радио эшиттиришлари орқали кенг оммага тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаяпти.

— Давлат автомобиль назорати бўлимлари ишини такомиллаштириш бобида қандай чоралар кўрилмоқда?

— Янги ҳужжатдаги қоидаларда ҳайдовчиларга ҳам, пиёдаларга ҳам анчагина қаттиқроқ муомала қилиш, қоидабузарларга муросасиз бўлиш қайд этилган. Биринчи галда ходимларга янги тартиблар уқтирилмоқда. Уни бажаришда одоб билан ёндашиш қайта-қайта айтилмоқда. Мақсадимиз — йўлларда давлат автомобиль назорати постларини кўпайтириш эмас, балки ходимлар билан ҳайдовчиларнинг бир-бирларини тўғри тушунишларига, ҳамкорликда ҳаракат қилишларига имкон яратишдир.

Яқинда вилоят давлат автомобиль назорати бўлимида компьютер ишга туширилди. Эндиликда барча транспорт воситалари номери, ранги, маркаси компьютерда бўлади. Бу транспорт воситаларини олиб қочиш, ҳодиса ва воқеаларни тезда аниқланишига катта ёрдам бермоқда.

— Транспорт воситаларидан олинадиган солиқлар, рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган тўловлар, жарималар қандай мақсадларда фойдаланилади?

— Ҳатто ўтган йили ҳам бундай тўловларнинг қаерга бориб тушишини, нималарга сарфланишини ўзимиз ҳам билмасдик. Жамғарма банки ходимларининг айтишларича, бундай маблағлар тўғридан-тўғри марказга ўтказилиб юбориларкан. Мустақиллигимиз бундай маблағларнинг ўзимиз хоҳлаган харажатлар учун сарфланишига ҳам имкон берди. Бу маблағларнинг 20 фоизи жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль назорати бошқармаси ҳисобига ўтказилади. Катта қисми эса маҳаллий бюджетга тушади.

Янги қабул қилинган қонун жумҳуриятимиз автомобиль йўлларида турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олади, тартиб-интизомни яхши йўлга қўйилишида дастуриламал бўлади, деган умиддамиз.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Ўзбекистонда олтмиш миллий маданий марказ бор. Улар ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари, маънавий қадриятлари, дўстлик алоқаларини ривожлантиришни ўз фаолиятининг асосий мазмуни деб билишмоқда. «Дўст билан обод уйинг...» рукни остида берилаётган бугунги суҳбатимиз турк ва қозоқ миллий марказлари иши ҳақида.

БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ШОХИ

ТУРК МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИНИНГ РАҲБАРИ УМАР САЛМОНОВ:

— БИЗНИНГ муқаддас китобимиз —Қуръони карим халқларни дўстликка, биродарликка чорлайди. Низо чиқарганларни қаттиқ қоралайди. Фарғонада бўлган воқеалар бизни ҳалигача қийнаб келмоқда. Баъзан тили, дили, дини бир бўлган икки халқ ўртасида нима сабабдан низо чиққанини ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмайман. Йўқ, даҳшатли уруш йилларида бағрини кенг очиб, ўз уйидан жой берган ўзбеклар туркларга қўл кўтариши мумкин эмасди. Айни вақтда турклар ҳам бундай қилолмасдилар. Ўша кунлари рўй берган воқеаларни ҳалигача ҳар хил талқин қилиб келишмоқда. Лекин мен бу жанжални турклар ёки ўзбеклар келтириб чиқарганига сира ишонмайман. Бу қандайдир ғаламисларнинг иши бўлди.

Ҳақиқат букилди, лекин синмайди. Мана, яхши кунлар ҳам келди. Нафақат Ўзбекистондаги турклар, айни вақтда Туркия мамлакати билан муносабатларда ҳам самимий дўстлик ришталари боғланди.

Туркия Бош вазири С. Демирэл таъкидлаганидек, биз улкан дарахтнинг икки шохига ўхшаймиз. Илдизларимиз бир. Буни қарангки, адолат, ҳақиқат қарор топиб, неча ўн йиллар мобайнида бир-бири билан алоқаси узилиб қолган икки мамлакат яна бир-бирига қардошлик қўлларини чўзмоқда, бир-бирига қучоқ очмоқда.

Туркия ривожланган мамлакат. У кўлидан келган ёрдамини аямайди. Бордикелдиларимиз янада кучаяди, қўшма корхоналар пайдо бўлади, банклар очилади, меҳмонхоналар қурилади.

Ўзбекистон Туркия мамлакатининг ривожланиш ва тараққиёт борасидаги андозасини қўллаб, яқин орада катта муваффақиятга эришади, деган умиддаман.

Маданий марказимиз республикамизда истиқомат қилаётган барча миллатлар тинч ва тотув, аҳил яшашлари учун ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, бундан кейин ҳам шундай қиларади.

Ўзбекистонлик турклар ўз биродарлари билан қўлни-қўлга бериб фаровонлик, тотувлик, эзгулик йўлидан дадил қадам ташлайверадилар.

КИНДИК ҚОНИ ТОМГАН ЮРТ

ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРИ АБДУВАҲОБ ДУЛДУЛОВ:

— Қозоқ миллий маданий маркази 1989 йилдан иш бошлаган эди. Ўзбекистонда яшаётган қозоқларнинг шу йил март ойида бўлиб ўтган анжумани марказимиз фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди. Қозоқ ва ўзбек халқининг дили ва дини бир. Бизларни Аҳмад Яссавий ҳазратларидан тортиб, буёғи Тўлабий Алибек ўғли ва Турор Рисқуловлар бирлаштириб турибди. Қоларверса, ҳар бир ўзбек фарзанди каби биз қозоқларнинг ҳам киндик қонимиз шу тупроққа тўкилган.

Бугунги кунда марказимиз асосий эътиборни Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қозоқларнинг урф-одатлари, тили, маданиятини ривожлантиришга қаратмоқда. Айни кунда республикада 700 дан ортиқ, биргина Тошкент вилоятида эса 150 та қозоқ мактаби бор. Қозоқ тилида «Дўстлик туғи» газетаси нашр этилмоқда.

Қозоқ фольклорини тиклашда марказимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида мунтазам равишда жирчибахшиларимизнинг кўриктанловларини ўтказаяпмиз.

Дўстликни мустаҳкамлашнинг гарови доимий бордикелдиларнинг узилмаслигида деб ўйлайман. Шундай алоқаларимизнинг шарофати билан Тошкентда Олмаота дўкони ва кафеси, Олмаотада эса Тошкент дўкони ва кафеси ишлай бошлади. Келгусида алоқаларимиз янада кучаяди. Ўзбекистонда қозоқ тилида олий ўқув юрти очмоқчимиз. Қозоқча журнал ва босмахоналар ташкил этиш ниятимиз ҳам бор.

Тарихдан маълумки, қозоқ халқининг фарзанди Тўлабий Алибек ўғли ўз даврида Тошкентнинг эътиборли кишиларидан бўлган. Қозоқ фарзанди Турор Рисқулов 20-йилларда Туркистоннинг таниқли сиёсий арбобларидан эди. Келаси йили Тўлабий таваллудининг 330 йиллигини, 1994 йилда эса Рисқулов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонламоқчимиз. Бу қозоқларгина эмас, балки ўзбекнинг ҳам тўйига айланади.

Шу йил сентябрь ойида Олмаотада бутун дунё қозоқларининг қурултойи бўлади. Анжуманга Ўзбекистонда яшаётган қозоқлардан 50 киши вакил қилиб сайланган.

(ЎзА).

Классик адабиётимиз намояндалари

АНБАР ОТИН

Ҳар қандай даврнинг ўтмиш сўз санъаткорларига ўз манфаатлари нуқтаи назаридан туриб қарайди, улар ижодидан замон учун керакли жиҳатларни излайди. Бу — табиий бир ҳол. Чунки ўша ўтмиш адабиёти намунаси қай бир тарафи билан бугун учун керак бўлсагина аҳамият касб этади. Билъакс, у тарихан хизматини ўтаб бўлган ҳисобланади. Лекин, шунисси борки, яхши шоир ё адиб ижоди кўпинча кейинги замонлар учун ҳам нимаси биландир керак бўлаверади.

Хўш, XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган, шоирамиз — Анбар Отин ижодига бугуннинг талаблари билан ёндошсак, у бизга қайси жиҳатлари билан хизмат қилади?

Биринчидан, Анбар Отин ижоди, собиқ совет ҳокимияти замонларида қар қанча ўз мозийимизни жаҳолат деб қоралаганимиз билан, аслида, Октябрь тўнтарилишидан илгариги даврларда ҳам ўзбек аёллари орасида юксак маърифатли вақилалар кўп бўлганини исботлайди. Умуман, биз жаҳондаги кечмишда шоиралари кўп ўтган бир соҳиби маданият халқ сифатида ҳар қанча фахрлансак арзийди. Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Дилшод Барно ва бошқа шоираларимиз йўлини Анбар Отин давом эттирди.

Иккинчидан, Анбар Отин ширин таъбли қалам соҳиби, истеъдод эгаси, маърифатли бир ўзбек аёли эканлигидан ташқари, ижодида ҳам ана шу маърифатни тарғиб қилгани бугун айрича бир аҳамият касб этади. Маърифатпарварлик ғоялари адабиётимизда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида нақадар қадрли бўлса, бугун ҳам шунчалар муҳим.

Тўғри, шоиранинг бир шеърида янгича мактабларни мана бундай таърифлаши бизга бирмунча содда туюлади:

Эй болам, Хайруллахон мактаб очибди, борингиз
Албат(т)а шу янги мактабда ўқунгиз барингиз.
Ерда ўлтурмай харакда ўлтурурмиш болалар,
Тоза тургай уст-бошу жомайи дасторингиз.

Шоирамиз ерда эмас, харакда, яъни скамейкада ўтириб дарс ўқишни шунчалар завқ билан тарғиб қилган. Бу биз учун амалга ошган орзу, ўтиб бўлинган босқич эмас, ҳам тушунарли. Чунки маърифатпарварликнинг бугун эриш туюладиган бундай талаблари ҳозир аҳамиятсиздек. Лекин ташқи тарафдан қараганда шундай. Бу тахлит зоҳирий талабларнинг ҳаммаси инсонни билимли, қобилиятли, уддабурон, маърифатли, илмли кўриш илинжи билан айтилган. Хўш, худди шу жиҳатдан маърифатпарварлик ғоялари бугун эскирдими? Биз ўтган ана шу бир асрнинг у ёқ-бу ёғидаги даврда чин маънодаги маърифатли халққа айландикми? Йўқ-да!

Келтирилган сатрларда таълим усулининг биздан кўра замонавийроқ, илғорроқ йўл-йўриқлари тарғиби бор. Хўш, бугун биз ҳам болаларимизнинг фан-техника тараққиётида илгарилаб кетган Европаю Америкада ўқишини истамаяпмизми? Ўзбек зиёлилари Анбар Отин каби илғор фан-техникага эгалик қиладиган янги авлодни вояга етказиш дардида эмасларми, шундай тарғибу ташвиқ олиб бормаяптиларми? Демак, маърифатпарварлик ғоялари ташқи белгиларига кўра аср бошидагидан фарқ қилса-да, моҳияти ҳозир ҳам ўзбек учун кун тартибида турган масала.

Маърифатпарварликнинг энг оддий талаби — саводхонлик масаласини олайлик. Бир қарашда, бизда саводсизлик батамом тугатилди. Энг камида, ҳар биримизнинг умумий ўрта, ҳеч бўлмаганда, тўлиқсиз ўрта маълумотимиз бор. Бироқ яшаш тарзимиз-чи? Иқтисодий аҳволимиз-чи? Замонавий ишлаб чиқаришга эришган-эришмаганлигимизчи? Очиғини айтганда, энг оддий — ўша савод масаласининг ўзи ҳам бизда жуда хароб аҳволда.

Адиб ва мунаққид, сиёсий арбоб Аҳмад Аъзам, эсимда йўқ, қай бир ёш ёзувчига оқ йўл тилаганда адабиётимизга ҳозир кириб келаётган қаламкашларимизнинг имлоси, саводи бундайроғу, лекин халқ дардини айтиш, эркин фикр юритиш жиҳатидан тузук, қабилидаги бир мулоҳазасини билдирган эди. Ҳақ гап. Лекин ўйлаб қоласан: не, бу қанақаси, ёзувчилик даъвоси билан чиққан, аксарият олий, кўпинча, филологик йўналишдаги олий маълумотли бир одамнинг, аслида, оддий мактаб ўқувчисидан талаб қилинадиган саводи, яъни имлоси чатоқ бўлса?!

Халқимиз саводлилигининг аҳволи — даражасини билиб олиш учун неча йилдан бери бир нарсани зимдан кузатаман. Ўрни келиб қолса, бирон баҳона билан олий маълумотли, ўзбек мактабини битирган зиёлиларимизнинг қўлига газета тутқазиб, оддий бир мақолани овоз чиқариб ўқишларини илтимос қиламан. Хоҳ ишонинг — хоҳ ишонманг, уларнинг кўпи оддий газетанинг оддий мақоласини ўргусини жойига қўйиб, оҳангини бузмай, бирон сўзини ташлаб кетмай, бирон ҳарфини тушириб қолдирмай ўқиб беролмайди. Бу нимадан далолат беради? Ўша одам олий маълумотли бўла туриб ҳеч нарса ўқимай қўйган. Ундай десангиз, ахир тайёр матнни тўғри ўқиб бериш бошланғич синф ўқувчисидан талаб қилинадиган оддий бир нарса-ку! Демак, ана шундай олий маълумотлиларимиз бошланғич мактабда ҳам, юқори синфларда ҳам, олий ўқув юртида ҳам ўз тилида тўғри ўқишни ўрганмай ўтган. Шуларни ўйласанг, даҳшатга тушасан. Ахир, биз XX асрнинг охирларида яшаяпмиз-ку! Бу аҳволда илғор технологияни қандай ўзлаштирамиз, компьютерлаштирилган тезкор ҳаётга қандай мослашамиз?!

Бундан нима хулоса келиб чиқади? Демак, биз расмий ҳужжатларда, статистика маълумотларидагина саводлимиз, холос. Маърифатли халққа айланишимиз учун эса ҳали кўп, жуда кўп ишлар қилиниши керак. Кимдир: маърифатинг нима берарди, деса ҳам ажаб эмас. Маърифат—қисқагина умрни имкон қадар мазмунли ўтказишга, кам куч сарфлаб, кўп натижа олишга, дунёни ва ундаги инсоннинг мавқеъини тўғри англаб, тўғри тушунишга эришиш, жамики жаҳолатлардан қутулиш. Расмангина саводли ва ё маълумотли бўлиш учун интилиш бизда миллий касалликка айланган, десам, айримлар кўнглига олмасин. Фарзандим олий маълумотли бўлсин, демаган ўзбек топилмаса керак. Боласнинг, номига бўлса ҳам, диплом олиши йўлида не-не пулларини ўринли-ўринсиз сарфлаётганлар қанча. Лекин мен фарзандининг ўзини илман ўстириш, унинг билимини ошириш, қобилиятини такомиллаштириш учун маблағ сарфлаётганларни кам кўрдим. Бу ҳам ўша статистика учун олий маълумотли бўлишга ўхшайди.

Нега шундай бўлди? Сабаби шуки, бизда чўнтагида совет дипломи бўлса бас, уни давлат бир иш билан таъминлаши эди. Ҳеч ким унинг шу дипломига лойиқ билими бор ё йўқлигини сўриштирмас эди. Очиғи, ҳукмрон сиёсат ўзбек халқининг ана шундай номигагина маълумотли бўлиб юраверишидан манфаатдор эди. Мақсад эса бугун ҳеч кимга сир эмас — рус империяси, мабодо, бошқа қарам халқлар мустақиллик даъво қилиб қолса, барибир, иқтисодий жиҳатдан бизга тобеъ бўлиб юраверади, деб ўйлаган, узоқни кўзлаб иш кўрган эди. Мана, у ҳозир ана шу ниятига етиб ўтирибди.

Ҳар қанча мустақиллик эълон қилганимиз билан, юксак маданиятга эришмас эканмиз, энг юқори ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириб олмас эканмиз, ўзимизда фан-техниканинг жаҳондаги энг охирги ютуқлари асосида ишлайдиган саноат корхоналари қурмас эканмиз, дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар яратмас ва жаҳонга сотмас эканмиз, Россиями ёхуд ер юзидаги бошқа бир мамлакатми, барибир, ўзимиздан ана шу жиҳатларига кўра устунроқ ўлкага қарамлигимизча қоламиз. Бундай қолоқликдан эса фақат ва фақат кенг маънодаги маърифат орқали қутулиш мумкин. Ахир, замонавий илғор технологияга эришиш учун энг оддий ишчи ҳам қанчалар билимли, қанчалар малакали, қанчалар маърифатли бўлиши керак. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ўйлайман.

Ўйлаб кўринг: тамоман ўзимизники бўлган қайси саноат маҳсулотимиз билан ҳозир жаҳон бозорига чиқамиз? Қўлидан келмагани учунгина ихтиёрни ўзимизга қўйган атласу зардўзлик маҳсулотларидан ташқари бирон товаримиз йўқ. Фақат хом ашё сотиб кун кўриш эса бизни шундай хароб ҳолга солиб қўйди. Дунёнинг маданиятли, қадимий халқлари орасида йигирманчи асрнинг охирига келиб фан-техникага эгалик қилишда бизчалик ортда қолгани жуда кам. Демак, маърифат масаласи бугун ўзбек учун аср бошидагидан кўра ҳам муҳим. Қарангки, аждодларимиз, жумладан, Анбар Отин бу муаммони бундан юз йиллар бурун жиддий қилиб қўйган экан.

Кўринишдангина илмликка ўхшайдиган, биздаги номигина дипломли кишилар каби, саводи ҳамин қадар муллосифатларни Анбар Отин қаттиқ ҳажв қилади:

Кўринишда муллодек, аммо илмдан бехабар,
Мулло ўрнига фунуну зуфуниини ўйлайми.

Газетадаги бир парчани эплаб ўқиб беролмайдиган олий маълумотли кишиларимизнинг ўша Анбар Отиннинг ғазини келтирган муллосифатлардан нима фарқи бор?

Энди Анбар Отин ижодидаги яна бир муҳим мавзуга диққатларингизни жалб этсам. Бу — рус босқинига, тўғрироғи, мустамлакачилик сиёсатига муносабат масаласи. Анбар Отинга бағишланган айрим ишларда шоиранинг русларга муносабати яхши бўлгани, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ижобий ҳодиса эканини таъкидлагани қайд этилади. Улар Анбар Отиннинг мана бу уч байтини мисол қилиб ҳам келтирадилар кўпинча:

Қўшилиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди,
Ўрус ўзбек элига бир тугмишгандек ато бўлди.
Уруслар ишда пишган важҳидин ҳушёрдур энча,
Раъият фойдасига сўзламоққа раҳнамо бўлди.
Зиёлиси зиёлимизга таълим берса илмидин,
Ҳама ишларга омил, устаси бир кимё бўлди.

Лекин, афсуски, бу байтлар билан бошланган ғазалнинг ундан кейинги байтларида айтилган фикрларга диққат қилинмайди. Атайлаб шундай йўл тутилади. Ҳолбуки, бу оқила шоирамиз рус халқининг ўзига тош отмагани ҳолда, рус мустамлакачилигининг ўзбек халқи бошига битган бало эканини очиқ-ойдин ифодалайди-ку! Келинг, ғазалнинг ана шу кейинги байтларига бир қулоқ тутайлик:

Ва лекин ҳукмроилик важҳидин оғир бўлиб ишлар,
Яроқлар икки хил, зарбидин оғриқ бедаво бўлди.
Олиқлар бир қатор эрди, тўлашга бўлмади дармон,
Солиқлар қўшқатор ўлчаб, эл энди мосуво бўлди.
Қилич ёнига тўппонча қўшулиб, ҳайбати ошди,
Ки аксар пойловучлар ҳибсда мотамсаро бўлди.
Қувониб ибтидода ўйлади эл: «Зулм кетди», деб,
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди.
Билиб олғачки, мақсад бир эрур ҳар икки қонунда,
Бизим пешволаримиз дардига малҳам даво бўлди.
Бини кўргач бечора эл яна маъюс мақъзундур,
Сабаб шул эрди эл ичра давоми можаро бўлди.
Сан, эй Анбар Отинча, сўзлама бундоғ аёлдурсан,
Неча сандек аёллар дарднин айтиб адо бўлди.

Кўрдингизми, руслар келганидан кейин ўзбек халқи аввалига босқинчиларнинг алдовларига учиб курсанд бўлган, лекин кўп ўтмай уларнинг фикри-ёди зулм ўтказиб, халқнин, юртни талаш эканини тушунган экан. Бу ниҳоятда ҳаққоний қаламга олинган бир ҳолат. Бу гапларни биз шу даражада очиқ ва аниқ-таниқ қилиб энди-энди айтяпмиз.

Анбар Отиннинг мана бу муҳаммаси шу қунларда ёзилгандек, худди бугунги ўзбекнинг дардларини куйлаётгандек тасаввур туғдиради, уни шундай бир туйғу билан ўқийсиз:

Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди шод қил!
Ҳар ғазални(нг) бошида сан ўз отингни ёд қил!
Қайда бандни пора айлаб, ўзлугинг озод қил!
Қайғули кунларни куйдур, барчасин барбод қил!
Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил!
Боғларинг пажмурда бўлди, зоғларингни(нг) пойндин,
Кўкрагинг садпора бўлди дайдиларни(нг) ёйндин,
Қатра-қатра қон томадур ўқ тешкан жойндин,

Қип-қизил қонлар оқадур жабр кўрган сойндин,
Ўз қўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил!
Бу нечук ғорат эмишким, икки ёндин тушди йўл!
Икки тил бирдек ғапурса, қўрқмагил, омода бўл.
Эгри юрса, юрмагил сан ул тарафга ўнг-сўл,
Кимки эгри йўлда юрса, эл ани этмас қабул,
Зулмдин озод бўлишда ўзлигинг устод қил!
Кимки меҳнат қилса боғнигга они эъзоз этиб,
Гул насимини димоғига юборгил ёз этиб,
Нозу неъматни анга бергил яна боз-боз этиб,
Эл ичида ҳурмат ила сийлагил мумтоз этиб,
Меҳнат аҳлига ҳамиша боқ, дилини шод қил!
Кел, очил, суйган дилёрим, гулларингни яшнатиб,
Сайрасун булбул боғнигда дилларингни яшнатиб,
Ёйлову қирлардаги сунбулларнигни яшнатиб,
Анбарим ҳиди ҳама жамбилларнигни яшнатиб,
Халқ оламга ҳаётнинг сиррини рўшод қил!

Гарчи бадиий асар сифатида Анбар Отин шеърлари ўзбек адабиётининг энг юксак даражаларига, Навоий, Бобур, Машраб сатрларига тенг келолмаса ҳам, мадраса кўрмаган бир оддий ўзбек аёлининг ўтган асрнинг охирларидаги ва бу асрнинг бошларидаги мавжуд воқеликни тўғри ёритгани, замонанинг қалтис ижтимоий масалаларини кўтаргани, энг муҳими, мазлум халқимизнинг дардини ич-ичдан ҳис этиб куйлагани билан Анбар Отин ижоди ҳозир ҳам катта қадру қимматга эга.

Султонмурод ОЛИМ.

ЧЕТГА СОТИЛГАНИ ПИЛЛАКОРГА

СУРХОНДАРЁ. Жарқўрғон районидаги пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб хом ашё топширишни бошлашди. Норали Боймуродов номли колхоздан Ойсифат Ҳимматова 18 май куни давлатга 70 кг пилла топширди.

— Бу йил режалаштирилганидан 2 баравар кўп— 200 тонна пилла топширишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди район ипакчилик идорасининг директори Беҳзод Ғаффоров. — Шунинг ярмини давлатга, ярмини келишилган нархда хорижга сотамиз. Муҳими шуки, хорижга сотилган пилланинг бир тийини ҳам бегона қилинмасдан пиллакорларга берилади.

Т. РАЗЗОҚОВ.



Наманган вилоятн матлубот жамиятлари уюшмасининг «Лола» савдо маркази Красноярск ипакчилик комбинати билан ҳамкорликда «Фазо» кичик корхонасини ташкил этди. Бу ерда тукли бахмалга ўхшайдиган пахмоқ газлама ишлаб чиқарилади. Шу мақсадда ҳозирча 20 та дастгоҳ ўрнатилди. Келгусида уларнинг сони 150 — 160 тага етади, қарийб минг киши иш билан таъминланади. Бироқ хом ашё тақчиллиги туфайли тадбиркорларнинг ана шу эзгу ниятн ушалмай турибди. Тошкент, Андижон ва Жиззах корхоналари уларга ёрдам беришни пайсалга солаётган бўлсалар, юқори ташкилотлар эса наманганликларнинг ҳақли талабларини инобатга олмаяптилар.

СУРАТЛАРДА: 1. Цехдаги 20 та дастгоҳдан атиги 3 таси ишламоқда. 2. Қўшма корхона директори Абдулла Эмиржонов (чапдан) ва «Лола» савдо маркази раҳбари Исмоил Отаҳонов. Улар хом ашёни қандай қилиб топиш ҳақида бош қотиришяпти.

А. КОВТУН
олган суратлар.
(ЎзА).



ТАДБИРКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ЧИҚИТДАН—ФОЙДА

Тўқимачилик хом ашёсини қайта ишлаш вақтида кўп чиқит чиқади. Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси республикада биринчилар қаторн ана шу чиқитни пулга айлантиряпти. Дастлаб бу борада мамлакат „ва хорижда тўпланган тажриба ўрганилди. Бирлашма мутахассислари шу мақсадда Олмонияга борib келишди. Натижада махсус цех ташкил этилди, унинг жиҳозлари Олмония ва Польшадан олинди.

Мана уч йилдирки, цехда чиқитдан нотўқима мато тайёрланмоқда. Ҳозиргача 610 тонна чиқит қайта ишланиб, 1 миллион 200 минг метрдан ортиқ мато олинди. Уни сотишдан салкам уч миллион сўм даромад қилинди. Бундай маҳсулотга буюртма кўпайиб қолди.

КАРБИД ЎЗИДАН ЧИҚАДИ

Термиз районининг Каттақум массивида ҳар кеча-кундузда еттй ярим тонна маҳсулот бера оладиган карбид цехи қурилмоқда. Унинг лойиҳасини Санкт-Петербург мутахассислар тайёрлашди. Цех жиҳозларини ҳам уларнинг ўзлари олиб келишди.

Пайвандлаш ишларида зарур бўлган карбид кейинги вақтда айниқса танқис бўлиб қолди. Усиз қурувчиларнинг ҳам, газчиларнинг ҳам иши юришмайди. Цех экология жиҳатидан қулай, жой — Амударё адоғида бунёд этилади. У дастлаб Сурхондарё вилоятини арзон маҳсулот билан таъминлайди. Цехни қуриш сарф-харажатлари беш йилда қопланади.

(ЎзА мухбири).

ИНСОН—ТАБИАТ МАҲСУЛИ

«ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг бугунги давр талабига жавобан ўтказаётган қонунчиликдаги янгиланиш (реформа) сиёсатининг марказий ўринларидан бири — она табиатни асраш ва уни «жароҳат»лардан ҳоли ҳолда авлодларга узатиб бериш муаммосидир. Соғлом табиат бу — соғлом халқ, фуқаро деганидир. Халқи соғлом табиат қўйнида соғлом давлат, соғлом сиёсат ва иқтисод барқарор бўлади.

Қўлимиздаги қонун лойиҳаси катта меҳнат ва ижодий ёндошиш маҳсули эканлигини эътироф этмоқ керак. Айни пайтда лойиҳани ўқиб туғилган айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Менимча, қонуннинг «Сўзбоши» — кириш қисмини бироз ўзгартириб тубандаги мазмунга солмоқ лозим: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги Асослари тўғрисидаги қонуни, Конституцияси (Асосий қонуни)га мувофиқ, республика ҳудудидаги ер, ерости бойликлари, ҳаво саҳни, ер усти ва ерости сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси фақат Ўзбекистон Республикасининг буткул ва мутлақ мулкидир.

Бу мулкларни тасарруф этиш, табиий ресурсларни фойдаланиш учун бериш, улардан фойдаланиш, ҳамда уларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, шарт ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади». Сўнгра лойиҳадаги кейинги жумлалар давом эттирилади. Ана шунда 1-бобга мутлақо ноўрин тушган ва мазмунан мутаносиб бўлмаган «табиат ресурсларига нисбатан мулкчилик» деб номланган 5-моддага ўрин қолмайди.

2-модданинг номланишида бироз ғализлик борга ўхшайди: «Табиатни муҳофаза қилиш объектлари, махсус муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари ва объектлари» (?!)

Нега, Табиатни муҳофаза қилиш ҳудуд ва объектлари» эмас? Ёки «Махсус муҳофаза этиладиган», деб ажратиб кўрсатиш шартми? Шу моддадаги «ориқланиб кетиш» жумласини «кучсизланиш», «ҳолсизланиш» каби бошқа сўз билан алмаштириб бўлмасмикин? 2-қисмида «Заказниклар» деган табиат муҳофаза объекти келтирилибди. Бу нима ўзи? Наҳотки уни ўзбекча атамали маъноси бўлмаса? 3-қисмида «Ўрмонларнинг таъқиқланган минтақалари» деган махсус кўриқланадиган объекти кўрсатилибди. Буни қандай тушуниш мумкин? Умуман ўрмонда таъқиқланган минтақа бўладими? Балки «Махсус мақомга эга бўлган ўрмонлар ва ўрмон минтақалари» демоқчидирлар?

3-модда «Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад» деб аталиб, унинг мазмунида «Табиатдан оқилона ва уни **ишдан чиқармайдиган қилиб** фойдаланиш» деган жумла қўлланилган. Менимча, «ишдан чиқармайдиган» каби муомала тили қонунда ўринли қўлланмаган. Бу жумлани «табиий хослигини бузмайдиган», «зарарланмайдиган», «яроқсиз ҳолга келиб қолишга олиб келмайдиган» каби жумлалар билан алмашилгани маъқул.

4-модданинг 7-бандидаги «инсон сиҳат-саломатлиги» сўзини «инсон соғлиғи» деб ўзгартириш, 8-банддаги «табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик» жумласидаги «вазифаларни» сўзини «муаммоларни» деб ўзгартириш керак. Чунки «вазифалар» жуда катта ва кенг қамровли. Уларнинг ҳаммасига ошкоралик тусини бериш имкони йўқ. «Муаммо»лар ва улар ечимига ошкоралик бериб бориш имконияти мавжуд, керак ва шартдир.

Шу матндаги 9-банд: «Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш»га «маҳаллий» жумласини ҳам киритиш керак.

Лойиҳада айрим жумлалар ўз ўрнига тушмаган кўринади. Масалан, 8-модданинг 6-бандида «табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш» дейилади. Хўш, аварня сўзи «ҳалокатли ҳодиса», «ҳалокатлар», «вайронагарчилик» жумлаларига ўрин бўшатиб берса бўлмайдими? Ёки «Рўёбга чиқариш» сўзи тўғри қўлланилганми? Бу сўз офатлар оқибатини тугатиш чора-тадбирларини очиб ташлашними, юзага чиқаришними ёки ошкоралик беришни назарда тутяптими? Бунинг ўрнига «амалга ошириш» жумласи қўлланилса ва мақсадга қараб, ўз номи билан айтилса бирмунча тушунарли бўлар эди.

19-модда «Ҳаводан фойдаланиш шартлари» деб номланибди. Эътибор қилинг, шундай айтилишининг ўзи қизиқ туюлмаяптими? Менимча, «Осмон бўшлиғи ва ҳаво саҳнидан фойдаланиш талаблари» дейилса мақбул бўларди.

Хуллас, қонун қонундай бўлмоғи, унинг ҳар бир жумласи, нуқтаси, вергулидан маъно, қатъийлик уфуриб туриши керак. Бу нарса айниқса табиат ҳақидаги қонунда алоҳида акс этмоғи лозим. Чунки сизу биз — инсонлар ҳам табиат фарзандлари, унинг маҳсулимиз ахир!

Ф. ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг тармоқ раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси.

ФАХРИЙЛАР

● ҚАРИГАНИНГДА насиҳатчи бўлиб қолар экансан. Афсуски у ҳаммага ҳам насиб қилавермайди: Ўтмишинг «тоза» бўлса сенга қулоқ солишади, бўлмаса...

Қўқон шаҳрида Фахрийлар клуби ташкил қилинганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай улар тез-тез мактаб, билим юрти ва иш жойларида бўлишиб, ёшлар билан турли мавзуларда суҳбатлар уюштиришаяпти. Ҳозирча ишлари ёмон эмас. Чунки одамлар нима дейишса қулоқ солишаяпти.

Клубга республика миқёсидаги нафақачи Ҳофиз Ҳайдаров раислик қилмоқда. Меҳнат Қаҳрамони Обиджон Нурматов, Маҳкамбой Қодиров ва Ғаффоржон Фозиловлар унга ёрдамчи.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ҚЎЛБОЛА ИНШООТ

БЕРУНИЙ. «Пахтакор» жамоа хўжалигида сув иншооти қурилди.

ХЎЖАЛИК ҳудудидан учта ариқ оқиб ўтади. Илгари уларга ўрнатилган 27 насос ёрдамида кўтарилган сув билан 840 гектардан зиёд экин майдонлари суғориларди. Ёнилғи арзон бўлгани туфайли ҳамма агрегатлар бир меъёрда ишларди. Бозор иқтисоди амал қила бошлагач, ёнилғи нархи деҳқонларни ўйлантириб қўйди. Негаки, ойига ҳар бир насосга 9 тонна ёнилғи сарфланарди-да. Агар сув кўтарувчи ишлаб турса, хўжалик фақат барча механизмлар баравар ёнилғи учун йилига 3,2 миллион сўм сарфлашга мажбур экан. Бу деҳқонларга маъқул эмас. Шу боис хўжалик мутахассислари, мироблар сув дамлашнинг ота-боболардан қолган усулини қўллашга жазм қилишди. Ариқлардан бирига мўъжаз тўғонча қурилди. Буни қарангки, сув кўтарилиб далага оқа бошлади. Тўғонча қурилишига монелик қилган баъзи «мутахассис»ларнинг насосларсиз сув кўтариб бўлмайди, деган фикрлари чипакка чиқди.

Ота БЕК.

«СЕАБЕКО» ВАКИЛЛАРИ ЎШДА

«Сеабеко» директорлар кенгашининг раиси Борис Иосифович Бирштайн бошчилигидаги бир гуруҳ америкалик бизнесменлар амалий ташриф билан Ўшга келишди.

Чет элликлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Ўш, Қизилқия тамаки ферментация заводлари, Ҳайдаркон симоб ҳамда Қадамжой сурма комбинатлари, Ўш саноат-савдо жойи, ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаларида бўлдилар. Қўшма корхоналар тузиш тўғрисида аҳдлашиб олишди.

Р. КАРИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкентда 23 майдан 31 майгача "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси Чилонзор ҳокимияти кўмагида Италия савдо-саноат фирмалари билан биргаликда халқ истеъмоли моллари ва саноат ускуналарининг тижорат кўргазмасини ташкил этади.

Махсус жиҳозланган намойиш залларида модали кийимлар ва пойабзаллар, керамика ва пластмассадан тайёрланган буюмлар, такинноклар ва бадиий чиннилар, қандиллар ва ёритгичлар, қурилиш материаллари, турли хил саноат ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш линиялари намойиш этилади.

БИЗНИНГ КЎРГАЗМАМИЗ ИТАЛИЯЛИК ДАРОМАДГИРЛАР БИЛАН ТЎҒРИДАН - ТЎҒРИ АЛОҚА БОҒЛАШГА АЖОЙИБ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.

БАРЧА МАНФААТДОР ИШБИЛАРМОН КИШИЛАРНИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Манзилгоҳимиз: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кучаси, 53 "А" уй.
Телефонлар: 77-76-58, 77-72-34.
Факс 777234.
Телекс 116395 "РОНДО".
Ташкилотчилар: "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси ва Чилонзор ҳокимияти.

UZBEGIM INTERNATIONAL

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК МАДАДИ

«Узгоскомводстрой»га қарашли ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларида ўтган йили 500 тонна гўшт, 600 тонна сут ва сут маҳсулотлари, 27 тонна асал етиштирилди.

Бу маҳсулотлар асосан ишчиларга сотилди. Ёрдамчи хўжаликлар боғлари шиғил ҳосилга кирди, пайкалларга турли экинлар экилмоқда. Бу йил минг тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот етиштириш мўлжалланяпти. Бу давлат комитетига қарашли ташкилотларда яна еттита ёрдамчи хўжалик ташкил этилди, энди улар 91 тага етди.

УЛКАН ДАСТГОҲ ИШГА ТЎШДИ

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли Қарши бош канали ва насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси қардош Қозоғистондан улкан токарлик дастгоҳини келтирди.

У сув насосларини таъмирлаш, 22 метрли деталларни қайта созлашда жуда қўл келади.

КЕНГАШЛИ ТУЙ ТАРҚАМАС

Фарғонада 35 кишидан иборат вилоят уламолар кенгаши тузилди. Бундан буён янги масжидлар қуриш, мадрасалар очиш, масжидларга имомларни тайинлаш ва жойлардаги бошқа шунга ўхшаш масалаларни шу кенгаш ҳал этади.

Вилоят ҳокими Ғ. Фозилов кенгаш аъзолари билан учрашди. Учрашувда, жумладан, масжидлар қуриш учун ер ажратиш масалалари шаҳар ёки район бош меъморлари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши тўғрисида маслаҳатлашиб олинди. Вилоятда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли осойишталигини сақлашда уламолар кенгаши маҳаллий ҳокимият идоралари билан яқин алоқада иш олиб боради.

(ЎзА).

• *Аламли суҳбат*

ҚАШШОҚЛАР КАСАЛЛИГИ

Қизил империянинг етмиш йиллик қора кўланкалари танимизга босган тамға чандиқлари оғриғини унутмаслик шарт. Уларни айтиш керакки, токи оғриқлар ҳар бандани уйғотсин, кечмишини, борлиғини ўйлашга мажбур қилсин.

— Тўғри, — дейишди суҳбатдошларим. Дарвоқе, улар билан танишинг:

Зуҳриддин ЖАЛОЛОВ — Самарқанд давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Мирзамурод БОБОМУРОДОВ — сил касалликларига қарши кураш вилоят шифохонасининг бош врачи.

Убайдулла ТОҲИРОВ — шу шифохонанинг бўлим мудири.

З. ЖАЛОЛОВ: Минглаб касалликлар хуружи жон аямай қилинган меҳнат ва унга инсофсизларча ҳақ тўланиши оқибатидир. Ўзбекистонда сил дардчиллигига йўлиқишнинг юқори даражага чиқиб кетиши мана шу фожиалардан бири ҳисобланади.

Бедардлар айтмоқчи, шодмонлик кун бўлганда, сил тобора чекинаётганда бу ҳақда бонг урмаслигимиз мумкин эди. Афсуски, аҳвол ниҳоятда ташвишли.

М. БОБОМУРОДОВ: Яқин вақтлергача бизнинг шифохонамиз ҳам оммавий ахборот воситалари учун ёпиқ қўрғонлардан бири ҳисобланарди. Сил касаллиги бўйича маълумотлар фақат тегишли идораларга тақдим этилар, иложи борича уларни махфий тутиш талаб қилинарди. Нима учун? Гап шундаки, бизнинг мамлакатда, айниқса, сил билан оғриш жаҳон кўрсаткичи билан мувофиқлаштирилиб, охирги ўринлардан бири танлаб олинарди. Рақамлар юки қанчалик оғир тош босмасин, ичимиздагини ташқарига чиқаролмасдик. Сиёсат шунақа эди.

У. ТОҲИРОВ: — Хуллас, қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи остида бўлиши шарт эди. Алам қиладиган томони шундаки, марказ, айниқса, Ўрта Осиё миқёсида, биринчи навбатда Ўзбекистонда бу дард иситмасини ошкор қилмасликни қаттиқ талаб қилар, ҳатто буйруқ берарди. Ҳолбуки... Қаранг, Самарқанд вилоятида силга чалинганлар ҳар йили ўртача 4700 нафар атрофида бўлмоқда.

Э. ЖАЛОЛОВ: Касаллик ҳам бою камбағал танлашни биласизми? Бир қарашда бу савол ғалатироқ туюлади. Лекин фикрни йиғиб, аҳволни чуқурроқ таҳлил этсангиз, буни, англаш қийин эмас. Масалан, серпулларда уйқусизлик ва қон босими, ейиш ичишу маишатбозликдан бошқа дарди йўқ, сергўштларда қанд диабети кўпроқ учрайди. Ўпка сили бундай кимсаларга йўламайди ҳисоб. Чунки сил — қашшоқлар касаллиги. Буни икки маънода тушуниш керак. Биринчидан, қўли оғир меҳнатдан бўшамайдиган, лекин даромадидан дарак йўқ, ичунин, ейишичиши бебарака кишиларни сил тез топади. Иккинчидан эса ана шундай турмуш касрида маънавий қашшоқлик устун келади ва бу касаллик ривожи учун имкон туғилади.

У. ТОҲИРОВ: — Биз Булунғур районида уйма-ўй юриб, ҳақиқий аҳволни таҳлил қилиб чиқдик. Қишлоқда биров касал бўлса, кунига ўнлаб киши ҳол сўрар, овқат келтириб сийлар, икки оғиз ширин сўз билан далда берар даврлар қани энди. Меҳр-оқибат-ку, бўғланган намдай ҳавога учди. Тағин дард устига чипқон — кишиларнинг ҳаққу ҳалол ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳафсала йўқлигини айтмайсизми.

Мана сизга мисоллар: Ҳайдар бобо Малибоев Улуғ Ватан урушининг иккинчи гуруҳ ногирони. Беруний номли давлат хўжалигида яшайди. Яккаю ягона қаровчиси — кампири Тожихол она холос. Қишлоқ Совети, хўжалик раҳбарлари ундан хабар олишмайди. Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларидан ҳам мадад нари турсин, дарак йўқ. Шаҳардаги каби қанд-шакар, гўшт, ёғни Ҳайдарбобо уруш қатнашчиси сифатида тушида ҳам кўрган эмас. Ота силга енгилганининг боиси мана шунда. Булар етмагандай, қарилик нафақаси ҳам беш-олти ойлаб кечикар экан. Шу хўжаликдан бизнинг ҳисобдаги беморлар Шарофат Олимова ва Қаршибой Эгамбердиевлар нафақасининг келиши ҳам бундан дуруст эмас. 136 бемордан 89 нафарининг турар жойи таъмирга муҳтож. Шулардан бор-йўғи тўрт киши ўтган йили қурилиш материаллари, 20 киши эса шахсий чорва хўжалиги учун озуқа олган, холос.

М. БОБОМУРОДОВ: Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг 1985 йил бешинчи августдаги қарорига мувофиқ сил билан оғриганлар оиласи қишлоқ хўжалиги солиғидан озод қилинади. Худди шу мазмунда халқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия комитети ҳам ўша йилнинг 9 сентябрида тегишли қарор қабул қилганди. Орадан олти йил ўтса-да, таассуф билан айтамизки, районда ўпка сили билан оғриганлардан 102 нафарининг оиласига ана шу имтиёз қўлланилмаяпти. Буни нима деса бўлади? Бефарқликми? Беғамликми?

У. ТОҲИРОВ: Ўрни келганда айтиб ўтайлик, вилоят партия комитетининг таниқли раҳбарларидан бўлган Орзи Маҳмудов қачон, қаерда, қанақа йиғилиш бўлмасин, сил касаллигига йўлиққанлар сони, уларнинг қарови, атрофга юқтирмаслик чоралари тўғрисида ҳисоб сўрарди. Бунга жавоб беролмаган раҳбар халққа бош бўлишга нолойиқ, дерди. Рақамлар қаторлаштириб ўтирмасданоқ, маълумот учун билдиришимиз мумкин: ўша йиллари вилоятда сил билан оғриганлар сони босқичма-босқич камая борганди.

Афсуски, энди бундай беморпарварлик ўрнини режапарварлик эгаллади.

З. ЖАЛОЛОВ: Докторлик диссертацияси ёқлаш материалларини асосан Ургут райони қишлоқларидан тўпладим. Кўп йил тамакикорларнинг меҳнату турмуш шароитини ўргандим. Гапнинг тўғриси, одамлар тамакининг қулига айланишган, унинг юқори даромади силни «ривожлантирувчи» куч бўлиб қолган. Буни энди чинакам маънавий қашшоқлик деса бўлади.

М. БОБОМУРОДОВ: Сил касаллиги муолажалари узоқ муддатли. Беморнинг соғайиши кўп жиҳатдан шароит даражасига боғлиқ. Аслида, ҳар бир бемор учун камида етти квадрат метр ётоқ саҳни зарур. Бироқ бизда у атиги икки квадрат метрга етади, холос. Кейинги йилларда елиб-югуриб тўрт қаватли бино қуриб олдик. Ҳозир ётоқхона, кундузги стационар, диагностика мужассамасидан иборат яна бир бино қурилишига киришганмиз. Шифохонанинг бош режа лойиҳаси тайёр. Бундай олиб қараганда, ишлар чакки эмасдай. Лекин силга йўлиққан беморни даволашда бу мутлақо қониқарли эмас.

Тўғри, ҳозирги мураккаб аҳвол ўнгланишга анча монелик қилаяпти. Бироқ охиригача шундай кетмас. Шу боис, хусусан, бош режа асосидаги шифохона барпо этиш умидидан воз кечмаймиз, вилоят, шаҳар, қолаверса, жумҳурият миқёсидаги мутасадди раҳбарлар ва идоралар эътиборини шифохонамиз томон жиддий тортмоқчимиз.

Суҳбатни Холмуҳаммад НУР олиб борди.

«ЛАТВИЯ—ОСИЁ»

«ЛАТВИЯ—ОСИЁ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ХАЛҚАРО САЁҲАТ ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ АРЗОН НАРХЛАРДА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

ПОЛЬША — май — 3 кун.
ҲИНДИСТОН — июль — 8 кун.
МАЛАЙЗИЯ — июль — 8 кун.
ЎРТА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ ТЕПЛОХОДДА САЙР — 23 июнь — 10 кун.
СИРИЯ — октябрь — 10 кун.
КИПР — халқаро сертификат бериладиган бизнес-машғулот.
ТУРКИЯ — июнь — 10 кун.
БОЛГАРИЯ — денгиз соҳилида дам — 10 кун.
БОЛГАРИЯ—ГРЕЦИЯ — 9 кун.
ПОЛЬША—ГЕРМАНИЯ — 9 кун.
ПОЛЬША—ИТАЛИЯ — 14 кун.
ПОЛЬША—ГОЛЛАНДИЯ — автомашина сотиб олиш ҳуқуқи билан — 10 кун.
ХИТОЙ—ХАРБИН — 7 кун.
ЯПОНИЯ — автомашина сотиб олиш ҳуқуқи билан.

ТЕЛЕФОНЛАР: 93-03-46, 67-64-89.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 35-уй («Агроспецстрой» биносида). Инқилоб хиёбонидан 11-маршрутдаги такси, 63-автобус билан Қорасув бекатигача борилади.

Ҳақнинг бир қисми эркин муомаладаги валюта ва сўм билан нақд ҳамда пул ўтказиш билан тўланади.

АвтоВАЗ техник хизмат кўрсатиш «Тошкент-Лада» Акционерлик жамияти ВАЗ-21063 маркадаги «Жигули» енгил автомобилларини пул ўтказиш ва нақд пулга эркин нархларда сотади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 27-уй.

Телефон: 76-76-18. Метронинг Собир Раҳимов бекати.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ "БАРС" САВДО УЙИ

БАРС

БАРС

НИЗОМ САРМОЯСИ 10.000.000 СЎМ ОБЛИГАЦИЯЛАРНИ СОТАДИ

Битта облигациянинг номинал қиймати бор йўғи 5.000 сўм. Муассислар кенгаши йиллик омонатнинг 25 фоиз фойда олишига кафолат беради.

Сўм ўта қадрсизланаётган ҳозирги пайтда "Барс" облигациялари омонатни сақлашнинг энг қулай воситасидир!

ШОШИЛИНГ!

Облигацияларга обуна бўлиш муддати чекланган.

Сизни қуйидаги манзилгоҳда кутамиз: Ҳамид Олимжон майдони, 13"А".

Телефонимиз: 33-02-47, 55-90-15.

Реклама ахборот агентлиги "ИНТЕРБАРС"

Телефонимиз 55-90-15.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Таҳририятга ҳажми 9 бетдан ортиқ мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Алоқа учун телефон: 33-07-48, Индекс: 64608. Буюртма Г—86.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 22.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12